



Қозоғистонда ўзини ўзи бошқариш тизими муҳокама қилинди

2-с.

“Уй бекасининг бўш вақти кўп, дейишса, бироз хафа бўламан”

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№27
(2355)**

**2026 йил
1 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАНБА**

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА “МУҲОФАЗА ХИЗМАТИ” БЎЛАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев ҳамда Фавқулдда вазиятлар вазири, генерал-майор Азизбек Икромов учрашуви доирасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

Мазкур учрашувда маҳаллаларда хавфсизликни таъминлаш, фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва профилактика ишларини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг “Фавқулдда вазиятлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, профилактика ишлари 8 992 та маҳалла ва 7,5 миллионга хонадон даражасида амалга оширилиши белгиланган. Ҳар бир ҳудуд хавф даражасига кўра, “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилади. Шу асосда ҳар бир йиғинда “маҳалла муҳофазаси хизмати” ташкил этилади.



Ҳамкорлик доирасида:

- “Фавқулдда вазиятдан муҳофазаланган маҳалла” модели жорий этилади;
- “хонадонбай” хавф таҳлили ва профилактика ишлари кучайтирилади;
- ис газидан заҳарланиш, ёнғин ва газ чақнаши билан боғлиқ ҳолатларни камайтириш чоралари кўрилади;
- аҳолининг хавфсизлик маданиятини оширишга қаратилган кенг қўламли тарғибот ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, маҳаллаларда кўнгилчилар ва волонтерлар жалб қилиниб, фавқулдда ҳолатларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмалари шакллантирилади.

Ушбу ҳамкорлик аҳоли тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллани хавфсиз ҳудудга айлантиришда муҳим кадам бўлади.

“МАҲАЛЛА ЛИГАСИ”

Соғлом ҳаёт тарғиботи маҳалладан бошланади

“Маҳалла лигаси”, бу — Ўзбекистонда маҳаллалардаги иқтидорли ёшларни ва аҳолининг турли қатламларини спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган оммавий спорт мусобақасидир.



Соғлиқ — инсон учун энг катта бойлик. Бу сўзлар шунчаки шир эмас, балки ҳаёт ҳақиқатидир. Соғлом инсон соғлом миллатнинг асоси, юксак тараққиёт сари интилувчи жамиятнинг таянчидир. Ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун масъул. Бироқ жамоатчилик соғлом ҳаёт тарзини фақат шахсий муаммо деб эмас, балки умуммиллий гоё сифатида қабул қилсагина, бутун жамиятда ижобий ўзгаришларга эришилади.

Шу маънода 2025 йилдан бошлаб, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Спорт вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида маҳаллаларда истиқомат қилувчи 30 ёшдан юқори бўлган аҳоли ўртасида “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаларини ўтказиш анъана тусини олди. Мусобақанинг асосий гоёси — профессионал спортга пойдеворни айнан маҳалладан бошлашдир.

Давоми 2-саҳифада.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР



МАҲАЛЛА НАҲАҚАТ ИЖТИМОЙ, БАЛКИ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНДИ

2026 йилдан бошлаб, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига ҳар йили қўшимча 300 миллиард сўм маблағ тушиши учун шароит яратилади. Хўш, бу қандай амалга оширилади?

Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат бошқарувини “пастан юқорига” тамойили асосида ташкил этиш, хусусан, маҳалла институтига кенг ваколатлар бериш устувор вазифага айланди. Бу жараёнда энг муҳим қадамлардан бири — “Маҳалла бюджет” тизимининг жорий этилиши бўлди. Мазкур янги тизим маҳаллани шунчаки ижтимоий ташкилот эмас, балки аниқ молиявий имкониятларга эга тузилмага айлантирди.

Айтиш керакки, янги тартиб доирасида Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма жисмоний шахслардан олинган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг (нотуражойлар бўйича ундирилган мол-мулк ва ер солиғи бундан мустасно) 10 фоизи, маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг 10 фоизи, шунингдек, маҳалладаги ҳудуди 2000 квадрат метрга бўлган давлат кўчмас мулк объектларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Содда қилиб айтганда, маҳалла фаоллари бунгача ҳам аҳолидан мол-мулк ва ер солиғини йиғиш ишларига бошқош бўлган бўлса, энди уларнинг айни хизмати учун солиқларнинг бир қисми маҳалланинг ўзига қолади. Биргина ўтган йили жамғармага 505,8 миллиард сўм маблағ туширилиб, “еттилик”нинг коллегиял қарори асосида инфратузилмани яхшилаш ва камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашга мақсадли ва манзилли сарфланди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Эртанги кун — қўлида хунари, қалбида мақсади бор ёшларники!

Кимдир спортга меҳр қўйса, уни қўллаб-қувватлаيمиз, зарур шароит яратамиз. Кимдир илмга интиلسа, йўл кўрсатамиз, билиминини оширишига қўмаклашамиз. Яна кимдир хунар ўрганишни истаса, уни устозлар билан боғлаيمиз. Энг муҳими, ҳар бир ёш ўзини ёлғиз эмас, балки маҳалла унинг таянчи эканини ҳис қилиши керак.

5-с.

Ижтимоий хизматлар имкониятлар оламига етаклайди

Кейс-менеджмент усули қўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, улар эҳтиёжларининг яхлит кўринишини ва бошқа хизматлар билан боғлиқлигини таъминлаётир. Аёллар, болалар ва оилалар дуч келган турли муаммолар ҳал этиляпти.

6-с.

Жазолаш эмас, тўғри йўлга йўналтириш муҳимроқ

Бугун билан кечаги кун фарқи таққослаш орқали ойдинлашади. Тизимда ишлаб келаётган инсон сифатида аввалги вазият билан бугунги шароитларни солиштирганда, ўзгариш катта.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

4-САҲИФА

ҚАРИНДОШЛИК РИШТАСИНING ҚУРБОНИМИ ГЎДАКЛАР?

6-САҲИФА

ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИШ, БУ — ЭНГ КАТТА ЮТУҚ






Камида 5 та яшил боғ ва яшил жамоат паркинни ўз ҳисобидан барпо қилган шахсларга “КЕЛАЖАК БУЊЕДКОРИ” ДАВЛАТ МУКОФОТИ берилади.



“ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНГА КЎРА, ЭКСПЕРИМЕНТ МУДДАТИ 6 ОЙДАН 3 ЙИЛГАЧА МУДДАТГА БЕЛГИЛАНДИ.



Президент қарори билан Ўзбекистон ва Сербия ўртасида ТУРИЗМ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ битим тасдиқланди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

“Маҳалла лигаси”

Соғлом ҳаёт тарғиботи маҳалладан бошланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жамшид ЧОРИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи.

Биргина ўтган йили “Маҳалла лигаси” мусобақалари орқали 2 миллион нафардан ортиқ киши оммавий спорт мусобақаларига қамраб олиниб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланди. Шу маънода мазкур ташаббус йигин ахлини бирлаштирувчи, ёшларни зарарли одатлардан йироқлаштирувчи ва миллий гуруҳни шакллантирувчи муҳим ижтимоий лойиҳага айланиб улгурди.

Бу орқали:

- **иқтидорлар сараланади (селекция):** мусобақада ўзини кўрсатган ёшлар худудий футбол ва спорт мактаблари ҳамда футбол академияларига йўналтирилади;
- **оммавийлик ортади:** нафақат ёшлар, балки аҳолининг 30 ёшдан юқори қатлами ҳам спорт тадбирларига қамраб олинади;
- **инфратузилма ривожлантирилади:** маҳаллаларда футбол майдонлари ва спорт иншоотларини барпо этишга туртки беради.

Мусобақаларда 30 ёшдан катта аҳоли вакиллари уч босқичда спортнинг етти тури — мини-футбол, волейбол, стол

тениси, стритбол, воркоут, шахмат ва шашка бўйича ўзаро беллашади:

- **1-босқич** — сектор (маҳалла) босқичида маҳалла жамоаси шакллантирилади. Жараёнда 8 992 та маҳалла жамоаси мусобақаларда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган;
- **2-босқич** — туман (шаҳар) босқичи ҳар бир маҳалладан шакллантирилган жамоалар ўртасида ўтказилади;
- **3-босқич** — вилоят босқичида туман (шаҳар) босқичида 1-уринни эгаллаган жамоалар иштирок этади.

Худудий финал босқичи голиб ва совриндорлари I, II, III даражали дипломи ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Рўйхатдан ўтган маҳалла жамоалари қўйдаги таркибда спорт мусобақаларида иштирок этади:

- **Мини-футбол бўйича — 6 нафар эркак**
- **Волейбол бўйича — 8 нафар эркак ва 8 нафар аёл;**
- **Стол тенниси бўйича — 1 нафар эркак ва 1 нафар аёл;**
- **Стритбол бўйича — 4 нафар эркак ва 4 нафар аёл;**
- **Воркоут бўйича — 1 нафар эркак;**
- **Шахмат ва шашка бўйича — 1 нафар эркак ва 1 нафар аёл.**

Айи кунларда маҳаллаларда мусобақаларнинг биринчи босқичи бошланди, 8 992 та маҳаллада яққалик ва жамоавий гуруҳлар шакллантирилади.



Умуман олганда, “Маҳалла лигаси” мусобақалари шуни кўрсатдики, бугун маҳаллаларда аҳоли ўртасида оммавий спортга қизиқиш юқори. Бу жараёнда озгина эйтибор, қўллаб-қувватлов, турткининг ўзи кифоя. Айниқса, мусобақаларда бир жамоа бўлиб, ҳамжиҳатликда ўз маҳалласи шарафини ҳимоя қилишга интилиш кучайди. Бу, ўз навбатида, маҳаллаларда меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди, соғлом турмуш тарзини кундалик фаолиятга айлантиради.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Республика ишчи гуруҳи Тошкент вилояти маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш йўналишида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Исломиддин ХОЛИҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

Айтиш керакки, вилоятда “маҳалла еттилик”нинг тизимли ишлаши натижасида жорий йилнинг ўтган икки ойида 883 та маҳалланинг 86,4 фоизи (763 таси) жиноятдан холи худудга айланди. Яна 100 та маҳалла “сарик”, 20 таси “қизил” тоифага киритилган.

Бу жараёнда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўтган йили 274 та маҳаллага 870 та, бу йил 22 та маҳаллага 47 та видеокузатув камералари ўрнатилди. Қолаверса, жамоат жойлари, айниқса, жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган худудларга ўтган йили 15 минг 2 765 та, жорий йилда 2 821 та тунги ёритиш чироклари қўйилди.

Шундай бўлса-да, худуддаги ўрганишларда қатор тизимли муаммолар мавжудлиги ойдинлаш-



Саҳифани “Маҳалла” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



ди. Хусусан, ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш бўйича маъзилли чора-тадбирлар белгиланиб, “еттилик” олдига қатор вазифалар юклатилган бўлса-да, айрим туман (шаҳар)ларда улар учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган.

Мисол учун, вилоятда 883 та маҳалланинг 9 таси ўз хизмат биносига эга эмас (Пискентда 3 та, Оҳангарон туманида 2 та, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Бўстонлик туманлари ҳамда Оҳангарон шаҳрида 1 тадан). Мазкур маҳаллаларнинг 5 таси таълим ташкилотлари, 3 таси тадбиркорларга тегишли, 1 таси тиббиёт муассасаси биноларида вақтинча фаолият юритмоқда.

Ҳозирда биноси мавжуд бўлмаган маҳаллаларнинг 6 тасига маблағ ажратилиб, янги бино қу-

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР КАМАЙГАН, БИРОҚ...

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг “Рақамли маҳалла” платформасида “еттилик” аъзоларининг ишга келиши ва кетиши даволатини назорат қилиш имконияти яратилди. Унга кўра, ҳодимлар давомати фуқаролар йиғинида электрон тарзда рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади.

риш ишлари бошланган. Бундан ташқари, маҳалла биноларининг 61 таси жорий, 16 таси капитал таъмирга ҳамда 41 таси реконструкцияга муҳтож. Шу билан бирга, 17 та маҳалла биноси 1-3 хонали бўлиб, “еттилик” ҳодимларининг ишлаши учун етарли шароит мавжуд эмас.

Вилоятдаги 883 та маҳаллада жами 5 442 та штат бирлиги мавжуд. 31 март ҳолатига, жами 69 та “маҳалла еттилиги” аъзолари лавозимлари вакант ҳолатда турибди. Шундан 19 та ижтимоий ҳодим, 14 та ёшлар етакчиси, 12 та солиқ инспектори, 10 та ҳоким ёрдамчиси, 10 та профилактика инспектори ва 4 та хотин-қизлар фаоли лавозимлари бўш. Бу, ўз навбатида, юклатилган вазифаларни ҳамкорликда ўз муддатига амалга ошириш имконини бермапти.

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛА НАФАҚАТ ИЖТИМОЙ, БАЛКИ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНДИ

2026 йилдан бошлаб, маҳаллаларга ўз муаммоларини мустақил ҳал этиши учун молиявий имкониятлар янада кенгайтирилиб, қўшимча манбалар яратилади. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан тасдиқланган “Маҳалла инфратузилмасини янада тақомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича устувор ислохотлар дастури”га асосан, жамғармага йилига қўшимча 300 миллиард сўм маблағ тушиши таъминланади.

Бу қандай амалга оширилади? Ислохотлар дастурига кўра, эндиликда жамғармага мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 15 фоизи ажратилади. Бу маҳалла ахлини солиқ тўловларини ўз вақтида амалга оширишдан манфаатдор қилади, чунки туланган маблағнинг бир қисми маҳалланинг ўзига қайтади.

Шунингдек, маҳалла худудида санитария, ноқонуний қурилиш бўйича ундирилаётган жарималарнинг 10 фоизи ўтказиб берилади. Бу профилактика инспектори ва маҳалла фаолларининг худудда тартиб ўрнатишга бўлган эътиборини кучайтиради.

Энг муҳим жиҳати, бу — маблағларни ишлашида юқори турвчи ташкилотларнинг руҳсати талаб этилмайдиган қарорни ҳокимлик ёки юқори турвчи ташкилотлар эмас, балки Маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши қабул қилади. Бу тизим “қўл учидан” ишлашни камайтириб, маҳалла ҳодимларининг аҳоли олдидagi масъулияти ва обрўсини янада оширади.

Маблағлар инфратузилмани яхшилаш (ички йўллари таъмирлаш, ичимлик сув тармоқларини тортиш, кўчаларни ёритиш), ижтимоий қўллаб-қувватлаш (кам таъминланган оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш, уларга моддий ёрдам ажратиш), ободлик (ҳашарлар ўтказиш, маҳалла худудидаги боғлар, болалар майдончалари ва спорт майдонлари барпо этиш) ишларига йўналтирилади.



Хулоса қилиб айтганда, “Маҳалла бюджети”, бу — шунчаки пул тақсироти эмас, балки фуқароларнинг ўз ҳаётини ўзлари бошқариши учун берилган ўзига хос имкониятдир. Бу орқали ҳар бир маҳалла ўзининг “мини-иқтисодиёти”га эга бўлади. Маҳалланинг нафақат ижтимоий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам мустақил бўлишига айланиши таъминланади.

ҲАМКОРЛИК

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.



Унда Марказий Осиё мамлакатларининг экспертлари, мутахассислари ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Учрашув давомида маҳаллий бошқарув тизимини ривожлантириш, худудий сиёсат, қишлоқ худудларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, бюджет масалалари кенг муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари “Ўзбекистонда маҳалла институтининг худудий ривожланишидаги ўрни” мавзусида маъруза билан иштирок этди. Унда мамлакатимизда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳолининг ўзини ўзи бошқаришдаги фаоллиги ва ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги тажрибалар тақдим этилди.



Шунингдек, Қозоғистон ва Қирғизистон мутахассислари маҳаллий бошқарувни ривожлантириш, фискал сиёсат, худудий мезонлар ҳамда Марказий Осиёда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан тақдимот ўтказди.

Учрашув якунида иштирокчилар ўзаро тажриба алмашиш, худудий ривожланишида самарали тизимларни жорий этиш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.



Президент фармонида кўра, самолёт, поезд, метро ва такси йўналишларида “ЯШИЛ ЧИПТА” ТИЗИМИ жорий қилинади.



Қонунга хилоф равишда ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИНИ БЕРИШ 3 йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.



Чиқинди тўplash майдончаларидан ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТГАНЛИК учун жавобгарлик белгиланди.

2026 йил
1 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАНБА

MaHalla №27

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ТАЖРИБА

БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!

“Уй бекасининг бўш вақти кўп, дейишса, биров хафа бўламан”

Мавлон Холматовга боғдорчилик бобо мерос. Хонадон соҳиби бир муддат бошқа соҳаларда ўзини синаб кўрди. Аммо барибир қалби ота касбига чорлади, умрининг асосий қисмини шу ҳунар билан боғлади. Хонадонда 30 нафарга яқин ҳамқишлоғини иш билан банд қилган. Улар қуритилган ўрикни саралаш, қайта ишлаш ва қадоклаш билан машғул. Турмуш ўртоғи Барно опа барча ишга бош-қош. “Уй бекасининг бўш вақти кўп, дейишса, биров хафа бўламан”, — дейди у табассум билан.



Раҳматжон Жўраев, Фарғона туманидаги “Қурилиш” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

“**Ҳаёт ҳеч кимга бахтни кафолатлаб бермайди. Уни инсон ўз меҳнати билан яратади. Самимий, камтар ва меҳнаткаш қишлоқ одамлари оила хотиржамлигини меҳнат орқали барпо этган. Йилнинг тўрт фасли шундай ўтади. Бир ойда ўртача 100–150 миллион сўмгача даромад топишади. Аммо бу ҳақда мақтанишни ёқтиришмайди.**

Деярли ҳар бир хонадонда шундай меҳнат жараёнини кўриш мумкин. Қишлоқ одамларининг ҳаёти ширин мевалар билан боғланган, десак хато бўлмайди. Ҳосил узилган кундан бошлаб, келгуси йил яна шохларида янги мева пишгунча иш тўхтамайди. Бир ўрик меваси — бир йиллик ризқ. Шу сабаб ҳар бир донеси қадрли. Чунки унинг қокиси ортида қишлоқ одамларининг сабри, машаққати ва умидлари мужассам.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларини билдириб ўтмоқчиман. “Ўсиш нуқта”ни янада ривожлантириш имконияти бор. Мисол учун, қуритилган мева ҳамда сабзавотларни хорижга экспорт қилиш учун маҳаллада экспорт маркази (ёки “маҳаллабай”) экспорт марказлари) ташкил этиш мумкин. Одатда бу тизим ҳоким ёрдамчилари кўмагида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, томорқадан самарали фойдаланиш ва даромадни ошириш мақсадида йўлга қўйилади. Айни йўналишда Мавлон Холматов ташаббус билан чиқди. Аммо тақлиф амалга ошишига кўмак бера олмадим. Агар масала ижобий ечим топганда, ҳам деҳқонлар даромади ошарди, ҳам янги иш ўринлари яратилар эди. Бундан ташқари, тадбиркор фаолиятини кенгайтириш учун хориждан замонавий ускуна сотиб олмақчи бўлди. Бирок бунинг учун кредит ололмади. Гаровга қўшимча бино ёки кўчмас мулк бўлмагани учун маблағ ажратилмади. Келгусида шу каби масалаларга ечим топилса, худудларнинг иқтисодий салоҳияти ошади, ишсизлик ва камбағаллик қисқаради.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Қовунни апрелда эксангиз ютқазмайсиз

Апрель — экин-тикин даври ҳисобланади. Жумладан, қовуннинг эртапишар навлари уруғи айнан шу муддатда ерга қадалади.



Шодмон НАМОЗОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Бу жараён юртимизнинг жанубий вилоятларида апрель ойининг биринчи ўн кунлигигача, марказий ва шимолий вилоятларда эса 15–20 апрелгача давом этади. Кечки навлар майнинг иккинчи ярмидан бошлаб, июнь ойининг биринчи ярмигача экилади. Ҳаво ҳарорати ўртача 15–16 даража иссиқ бўлиши лозим. Бундан паст ҳароратда экиш тавсия этилмайди. Чунки совуқ ерга экилган уруғ чириб қолиши мумкин. Ерни тайёрлаш, асосан, кузда бошланади. Бу пайтда майдонга маҳаллий ва минерал ўғит солинади ва ер 30–35 см. чуқурликда ағдариб қўйилади. Баҳорда тайёр ер текисланади, эни 210–280 см. бўлган эгатлар олинади. Уруғлар эгатнинг икки томонига, 3–6 см. чуқурликка экилади. Майда уруғли навлар гектарига 4–4,5 кг., йирик уруғли навлар гектарига 5–5,5 кг. сарфланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нурилло САМАНДАРОВ. Чироқчи тумани:

— Хонадонимда 6 сотих томорқам бор. Лекин оқова сув бўлмагани учун ундан самарали фойдалана олмаيمان. Шу вазиятда томорқа орқали даромад олиш учун оқова сув чиқаришга давлат ҳисобидан ёрдам бериладими?

Томорқа учун оқова сув чиқаришга субсидия ажратилади

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Бу саволингизга “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори орқали батафсил жавоб олиш мумкин. Қарорга кўра, томорқани суғориш тармоғи ва сув чиқариш ускуналари учун 123 600 000 сўмгача субсидия ажратилиши белгиланган. Бу вазиятда камида 30 та хонадон томорқаси ёки 10 та деҳқон хўжалиги ерига мавжуд сув таъминотидан 500 метргача ирригация тармоқларини тортиш ҳамда зарур ҳолларда сув чиқариш ускуналарини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача маблағ ажратилади. Туман ҳокимлиги ва худудий меҳнат ташкилоти рўйхат шакллантиради, лойиҳалар “Онлайн маҳалла” платформаси орқали киритилади, ишлар яқунлангач, субсидия 3 иш куни ичида банк ҳисобига ўтказилади.

“**Агар тупроқда намлик етарли бўлса, экинни дастлабки чопиққача суғориш шарт эмас. Ниҳоллар одатда 5-10 кунда тўлиқ униб чиқади. Бу даврда 5-6 мартта суғорилади.**


Тўғри парвариш қилинганда эртапишар навлар 55-65 кунда, ўртапишар навлар 67-70 кунда, кечпишар навлар 80-90 кунда етилади. Ҳосилни кечиктириб узиш мумкин эмас. Акс ҳолда ичидан чириб кетади.

Диққатга сазовор жиҳати — писталар дунёдаги энг харидоргир Эрон кўчатларидан маҳаллийлаштирилган. Шу билан бирга, кўчатлар остида 60 та асалари оиласи парваришланмоқда. Бу эса табиий боғдорчилик ва асаларичиликни бирлаштирган янги ёндашув ҳисобланади. Замонавий ва экологик тоза ташаббус туризмини ривожлантиришга туртки бўлмоқда. Мевани тулдан узиб ейишга қизиқувчилар нафақат Ўзбекистоннинг турли худудларидан, балки хорижий давлатлардан ҳам келмоқда.

“**Хандон писта кўчатини парваришлаш деҳқондан эътибор ва тажриба талаб қилади. Бобиси, бу ўсимликнинг ўзига хос инжиқликлари бор. Масалан, кўчат ўтқазилган тупроқнинг шўрланмагани, ер ости сувлари камида уч метр пастда жойлашгани муҳим. Ёруғликни яхши кўради, шунинг учун уни экишда куёш нури кўпроқ тушадиган, очик майдон танланган. Писта инжиқ бўлиши билан бирга, қурғоқчил ва совуқ ҳаво ҳароратига бирдайд чидамай. Ёз ва қиш ойларида +46 даражадан -40 даражача ўзгарган экстремал шароитда ҳам ўсиш, ривожланиш ва мева беришда бодомга рақобатчи ҳисобланади.**

Дарҳақиқат, кўп йиллик тажрибага эга Тожиддин Жалилов айни пайтда фаолият қўламини янада кенгайтириш, истиқболли писта кўчатлари етиштириш, ҳосилдорлик салмоғини ошириш ҳаракатида. Айниқса, у ўз тажрибасини айни йўналишда боғдорчиликка қўл ураётган маҳалладошларига оммалаштираётгани эътирофга молик. Бир сўз билан айтганда, илм билан ёндашилган ҳаракат натижасида хонадон томорқаси ҳақиқий даромад манбаи ва маҳалладаги инновацион лойиҳалардан бирига айланиб бормоқда.

Саҳифани “MaHalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.





2026 йил 1 майдан “СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ” платформаси фаолияти йўлга қўйилади.



Вашингтон шаҳрида Марказий Осиё давлатлари элчихоналарининг НАВРЎЗ БАЙРАМИ ташкил этилди.



2026 йил 1 майдан бошлаб, “ЁШ ЭКОЛОГ” кўкрак нишони таъсис этилади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҒРИҚ НУҚТАЛАР...

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Ота-она учун фарзанднинг саломатлигидан кўра муҳимроқ масала бўлмаса керак. Хаста гўдакни парвариш қилишдан оғирроқ мусибат йўқ. Яқинлари у билан баробар дард чекади, ёнма-ён оғир кунларни бирга яшайди. Агар бирозгина мулоҳаза юритадиган бўлсак, бундай синовларнинг бошимизга келишига баъзан ўзимиз сабабчи эканимизни кўришимиз мумкин.

ҚАРИНДОШЛИК РИШТАСИНING ҚУРБОНИМИ ГЎДАКЛАР?



Оила ва гендер илмий тадқиқот маркази маълумотлари асосида Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Канча оғоҳликка чақирилмасин, қанча тушунтириш ишлари олиб борилмасин, ораимизда ўзаро қўда-андачилик ришталарини боғлаётган ака-ука ва опа-сингилларнинг ҳали ҳам учраётгани кишини чуқур ўйга толдиради. Қариндошлик муносабатларини сақлаб қолиш мақсадида тузилаётган бундай никоҳлар эса келажак авлод тақдирини азоб-уқубатларга рўбарў қилаётгани рост.

Тиббиёт ва генетика соҳасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ айрим ҳудудларда ижтимоий-анъанавий омиллар таъсирида сақланиб қолаётган бўлса-да, улар келажак авлод соғлиги учун муайян хавф-хатарларни юзага келтириши билан долзарб аҳамият касб этмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай никоҳлар натижасида туғма нуқсонлар, ирсий касалликлар ва ногиронлик ҳолатлари хавфи жуда юқори.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳда ота-онандан ўтувчи генетик маълумотнинг ўхшашлиги юқори бўлгани учун яширин (рессив) касалликларнинг намоён бўлиш эҳтимоли сезиларли даражада ортади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, умумий популяцияда туғма нуқсонлар хавфи одатда 2-3 фоиз атрофида бўлса, қариндошлар ўртасидаги никоҳда бу кўрсаткич 4-6 фоизгача етади, яъни хавф деярли икки баравар ошади.

Бундан ташқари, айрим тадқиқотларда туғма аномалиялар учраши қариндош никоҳларда 2,8 фоиз, қариндош бўлмаган никоҳларда эса атиги 0,9 фоиз экани аниқланган. Генетик нуқтаи назардан эса биринчи даражали қариндошларда генларнинг ўхшашлиги тахминан 12,5 фоизни ташкил этади, бу эса касалликни келтириб чиқарувчи генларнинг бирлашиш эҳтимолини сезиларли оширади.

Натижада бундай никоҳларда туғилган болаларда қон касалликлари, метаболик бузилишлар, асаб тизими нуқсонлари каби ирсий касалликлар кўпроқ учраши илмий жиҳатдан тасдиқланган.

Генетик мос келиш даражасининг юқорилиги

нафақат аниқ ирсий касалликлар, балки болаларнинг умумий ривожланиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Қариндошлар ўртасидаги никоҳларда туғилган болаларда жисмоний ва ақлий ривожланишнинг кечикиш ҳолатлари 1,5-2 баравар кўпроқ учрайди. Айрим эпидемиологик кузатувларга кўра, бундай никоҳларда болалар ўлими ва ногиронлик билан боғлиқ ҳолатлар 3-4 фоизга юқори бўлиши мумкин, умумий популяцияда эса бу кўрсаткич одатда 1-2 фоиз атрофида баҳоланади.

Шунингдек, эшитиш ва кўриш нуқсонлари билан туғилиш эҳтимоли қариндошлар никоҳида икки бараваргача ортиши қайд этилган. Иммуно тизими заифлиги ва тез-тез касалланиш ҳолатлари ҳам кўпроқ учраши илмий кузатувларда тасдиқланган.

Шу билан бирга, мутахассислар ушбу масалага фақат тиббий эмас, балки ижтимоий ва маърифий ёндашув зарурлигини таъкидлайди. Никоҳдан олдинги тиббий-генетик маслаҳат (генетик скрининг), аҳолининг хабардорлигини ошириш ва профилактик чораларни кўчатириш орқали салбий оқибатларнинг олдини олиш мумкин.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Биринчи навбатда, “Оилавий кадрларни мустақамлаш” комиссияси билан ҳамкорликда фуқароларнинг турмуш шароити ва муаммолари билан танишдик. Урганишлар натижасида, салбий одатларга берилган, фарзандлар тарбиясига бефарқ қарайдиган кишиларни ҳам учратдик. Уларни йўлга солиш, зиммасидаги оила масъулиятини чуқур хис қилиши учун “еттилик” вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда имом-хатиблар билан тизимли тадбирлар олиб борилди. Қилган меҳнатларимиз самараси ўлароқ, бугун ҳудудимизда барча шукроналик кайфиятида умргузаронлик қиялпти.

Маҳалламизда томорқадан унумли фойдаланиш тажрибаси катта. Хонадон вакиллари ҳар қарич ерни даромад манбаи, деб билади. Бундан ташқари, хотин-қизлар орасида тивувчилик билан шуғулланаётганлар 36 нафарни ташкил этади. Барчаси ўзини ўзи банд қилиб, зардўзлик, замонавий либослар тикиш, чопончилик, кўрпа-тўшак тайёрлаш йўналишларида 4-6 нафардан аёлнинг доимий бандлигини таъминлаб келяпти.

Дилбархон МАҲМУДОВА, Наманган шаҳридаги “Гузар” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Ҳабиба Тожибоева бир неча йилдан буюн ёнғоқчилик қилиб келади. Шу фаолият ортидан 150 та хонадон вакилларининг касаначилик асосида ишлашига шароит яратиб берган. Тадбиркор ивтитилган ёнғоқни фуқароларга етказиб беради. Улар махсус ускунада маҳсулотни мағзини мўстлоғидан ажратади ва қилинган меҳнатга яраша ҳақ олишади.

Ҳафизахон Мўминова эса лола етиштириш бўйича катта тажрибага эга. У томорқасининг 4 сотих майдониде гулнинг сарик, қизил, оқ ва кўк рангли турларини ўзига хос тарзда парваришлаб, савдога чиқаради. Гарчи миришкор фақатгина баҳор мавсумида даромад топаётган бўлса-да, йил сайин экин майдонини кенгайтириб борапти. Иш қўлайган вақтлар кўшнлар ҳам ёрдамга жалб қилинади.

Ўрни келганда, ўй-фикрларимни сиз билан ўртоқлашмоқчиман. Мени кўпроқ эрта турмуш ва эрта туғуруқлар масаласи ўйлантиради. Қонунчилик 18 ёшдан оила қуришга рухсат берса-да, лекин буни ҳам бироз эрта, деб биламан. Йигит-қизларимизни ўқитиб, бирор касб ва ҳунар эгаси қилиш орқали ҳаёт илминини ўргатишимиз зарур. Шундагина айни вақтда биз бош қотираётган оилавий муаммоларнинг бир қанчасини бартараф этишга эришган бўлимади.

ДАРОМАД МАНБАИ

“Файзлиобод”га файз киритган ташаббускор тадбиркор

Сардоба туманидаги “Файзлиобод” маҳалласида фаолият юритаётган тадбиркор — “Ландшафт” якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти раҳбари Моҳигул Шодмонова тажрибаси алоҳида эътиборга сазовор.

Ғулум ПРИМОВ, журналист.



У сўнгги икки йил давомида 2 сотих иссиқхонада гидропоника усулида қўлпўнай ва турли кўкатлар етиштиришни йўлга қўйиб, барқарор даромад манбаини шакллантирди. Шу билан бирга, кўчатчиликни ривожлантириб, қўшимча маблағ топишга эришмоқда.

Тадбиркор иссиқхона ташкил этиш учун 100 миллион сўм сармоя киритган бўлиб, бугунги кунда қўлпўнай етиштиришдан олинаётган илмлик даромад 70 миллион сўмни ташкил этмоқда. Маҳсулотнинг табиийлиги ва витаминларга бойлиги сабаб жуда харидордир.

Айни пайтда Моҳигул Шодмонова 3 нафар доимий ва 10 нафар мавсумий иш ўрнини яратган. Келгусида иссиқхона майдонини 12 сотихга етказиш орқали фаолиятни янада кенгайтириш режалаштирган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳомиладор аёл энгилроқ иш пароритига ўтиши мумкинми?

Робия ИМОНОВА, Тошкент шаҳри:

— Айни вақтда ҳомиладорман. Шу кунга қадар иш жойимнинг тунги навбатчилик бўлимида фаолият юритаётган эдим. Лекин энди ҳолатимдан келиб чиқиб, анча қийналяпман. Шундай вазиятда меҳнат шароитини ўзгартиришим мумкинми?

Нилуфар ЮНУСОВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси:

— Тиббий хулосага мувофиқ, ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш метёрали, хизмат курсатиш нормалари аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда камайтирилади ёки улар энгилроқ ишга ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Бунда ишлаб чиқариш нормаларини камайтириш, шунингдек, вақтинча бошқа ишга ўтказиш мuddатлари тиббий хулосага мувофиқ белгиланади.

Ҳомиладор аёлга энгилроқ иш ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш бериш масаласи ҳал этилганига қадар, у бунинг оқиба-тида қолдирилган барча иш кунлари учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

— Тадбиркорликни бошлаш осон кечмади, — дейди Моҳигул Шодмонова. — Илк қадамларимни кичик ишдан бошлаб, аста-секин тажриба орттирдим. Гидропоника усулини ўрганиб, замонавий ёндашувларни жорий этиш орқали ҳосилдорликни оширишга эришдим. Энг асосий мақсадим — янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини сифатли маҳсулот билан таъминлаш. Келгусида яна кўпроқ аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш ниятидаман.

Бундай ҳаракатчан ва интилувчан аёллар жамият раванки йўлида меҳнат қилиш билан бирга, атрофидаги хотин-қизларни ўз устида ишлашга, тадбиркорлик бошлашга ундаётгани билан алоҳида ҳурмат ва эътиборга лойиқ.



2028 йилга қадар жами майдони 100 гектардан кам бўлмаган БОТАНИКА ВА ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒЛАРИ ташкил қилинади.



Президент қарорига кўра, жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшлар ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРГА ўҚИТИЛАДИ.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИГА КўРА, “Овжасой — Мовий тоғлар”, “Писком”, “Фарғона” миллий табиат боғлари ташкил этилади.

2026 йил 1 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla №27

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КўМАКЧИ

Эртанги кун — кўлида хунари, қалбида мақсади бор ёшларники!

Ҳар қандай ривожланиш, аввало, ёшлардан бошланади. Шунинг учун биз ишимизни “бирорта ҳам ёш эътибордан четда қолмасин” деган тамойил асосида йўлга қўйганмиз.

Жасурбек НАСРИДДИНОВ, Андижон туманидаги “Полосон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Кимдир спортга меҳр қўйса, уни қўллаб-қувватлаймиз, зарур шароит яратамиз. Кимдир илмга интилса, йўл кўрсатамиз, билимини оширишига кўмаклашамиз. Яна кимдир хунар ўрганишни истаса, уни устозлар билан боғлаймиз. Энг муҳими, ҳар бир ёш ўзини ёлғиз эмас, балки маҳалла унинг таянчи эканини ҳис қилиши керак. Яқин ўтмишга назар ташласак, маҳалламизда на спорт майдончаси бор эди, на ёшларни бирлаштирадиган аниқ тизим. Аммо бугун манзара бутунлай ўзгарган. Сўнги уч йил ичида 4 та замонавий спорт майдончаси барпо этилди. Бу, энг аввало, маҳалла ёшларининг бирдамлиги ва саъй-ҳаракатлари самарасидир. Айниқса, “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган мусобақаларда эришилган натижалар улгарга катта туртки бўлди. Бугун эса шу майдонларда 120 нафардан ортиқ ёш мунтазам шуғулланмоқда. Футбол тўғрисида тажрибали мураббий раҳбарлик қилади.



Маҳалламиз ҳақида гап кетганда, бугун “фаол ёшлар”, “соғлом муҳит” ва “ривожланиш” деган тушунчалар тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чунки биз таълим масаласини ҳам устувор йўналиш сифатида белгиланганмиз. 20-мактаб билан ҳамкорликда “Мутулаа” платформаси орқали 2 166 нафар ёшни қамраб олдик. Қисқа вақт ичида ўқилган китоблар сони 44 мингдан ошди. Бу эса йигит-қизларнинг дунёқараши кенгайиб, фикрлаш маданияти шаклланаётганидан далолат беради.

КИМДА ИҚТИДОР ЙўқДИР...

Элшод қандай шодланди?

“Бола бошидан” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Аммо бугунги ҳаёт яна бир ҳақиқатни кўрсатади: билим ёш танламайдими. Буни Кўқдала туманидаги “Бегламиш” маҳалласида яшовчи, ҳали мактабнинг 4-синфида ўқиётган кичкина, лекин катта мақсадларга эга ўқувчи — Элшод Болтаев ўз натижаси билан исботлаб берди.



Лобар ТОШПҮЛАТОВА.

Элшод 81-мактабда таҳсил олади. Оддий, ўртача оилада улгайган бу бола ортиқча шароит ёки имкониятлар билан эмас,

балки ўзининг тиришқоқлиги, ота-онанинг меҳр ва қўллаб-қувватлови билан ажралиб туради. Унинг ютуғи — математика фанидан “В” даражадаги сертификатни қўлга киритгани — ёшига нисбатан катта натижа.

Маълумот учун, В даражадаги миллий сертификат, бу — талабгорнинг ушбу фан бўйича билим даражасини тасдиқловчи давлат ҳужжати ҳисобланади. У ОТМга кириш имтиҳонларида математика фанидан тест топширишдан озод этади.

Бу натижа осонликча қўлга киритилмади. Элшод қарийб 7 ой давомида мунтазам тайёргарлик кўрди. Унинг энг катта қуроли — тўхтамаслик, сабр ва давомийлик бўлди. “Дастлаб қийин бўлди, — дейди у. — Лекин вақтни тўғри тақсимлашни ўргандим”. Шу оддий, лекин муҳим кўникма унга ўқиш ва тайёргарликни бир маромда олиб боришга ёрдам берди.

Бу кичкина йигитнинг ютуғи бизга яна бир ҳақиқатни эслатади: ҳар қандай ютуқ ортида меҳнат ва сабр ётади. Ҳеч нарса осон келмайди, лекин ҳаракат қилган инсон, албатта, натижага эришади. Элшод эса буни ёш бўлишига қарамай, амалда кўрсатиб берди.

Шу билан бирга, ёшлар “UzChess”, “Қизлар академияси”, “Ibrat Academy” ва “Ustoz AI” каби замонавий платформаларда фаол қатнашиб, турли сертификатларга эга бўлмоқда. Энг қувонарлиси, авваллари ўқишга бефарқ бўлган ёшлар бугун кўлида сертификат билан келиб, иш сўраяпти. Бу ўзгариш — бизнинг энг катта ютуғимиз.

Бандлик масаласида ҳам тизимли иш олиб бораётиб. Миграциядан қайтган ёки ишсиз бўлган ёшлар билан индивидуал ишлаймиз — уларнинг қизиқиши ва имкониятини ўрганиб, мос ишга йўналтираемиз. Натижада кўплаб йигит-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Масалан, Олимжон Турсунов ва яна бир неча ёшлар қўшма корхонада фаолият юритмоқда, Малоҳатхон Абдулатипова банк тизимида, Барно Юнусова эса тиббиёт соҳасида иш бошлади. Шу тариқа йил бошидан буён 36 нафар ёш доимий иш билан таъминланди, яна 122 нафари ўзини ўзи банд қилди. Бу натижалар ортида ҳар бир ёш билан олиб борилган алоҳида эътибор ва ёндашув бор.



Асосий мақсадим — ҳар бир ёшнинг ички салоҳиятини очиб, уни ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш ва маҳалламизни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Чунки ишончим комил: қўлида хунари, қалбида мақсади бор ёш — жамиятнинг энг катта кучидир.

ТАРТИБ



ЭКОЛОГИК ХАВФ-ХАТАРГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ ТАРАДДУДДАМИЗ?

Бугун ҳаммамиз бир ҳақиқатни англаяпмизми? Атроф-муҳит муаммолари энди келажак эмас, бугуннинг ўзида эшигимизни қоқмоқда. Ҳавонинг ифлосланиши, сув танқислиги, иқлим ўзгариши ҳар биримизнинг ҳаётимизга бевосита таъсир қилаётган масалалардир.

Шахноза ХАЛИЛОВА.



У боис экологик маданиятни шакллантириш, бу борада билимли ва масъулиятли кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Айни нуқтаи назардан, 2026 йил 25 март санасида қабул қилинган “Эко-маданият” умумидиал ишлаймиз — уларнинг қизиқиши ва имкониятини ўрганиб, мос ишга йўналтираемиз. Натижада кўплаб йигит-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Масалан, Олимжон Турсунов ва яна бир неча ёшлар қўшма корхонада фаолият юритмоқда, Малоҳатхон Абдулатипова банк тизимида, Барно Юнусова эса тиббиёт соҳасида иш бошлади. Шу тариқа йил бошидан буён 36 нафар ёш доимий иш билан таъминланди, яна 122 нафари ўзини ўзи банд қилди. Бу натижалар ортида ҳар бир ёш билан олиб борилган алоҳида эътибор ва ёндашув бор.

Мазкур қарор, аввало, жамиятда экологик онг ва маданиятни шакллантиришни тизимли босқичга олиб чиқишни мақсад қилгани билан аҳамиятлидир. Қарорда белгиланган асосий вазифаларга эътибор қилсак, биринчи навбатда, “яшил” техникумлар тармоғини яратиш кўзда тутилган. 2026-2027 йиллар давомида ҳар бир ҳудудда жами 14 та ана шундай техникум ташкил этилиши режалаштирилмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шахноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Боқувчисини йўқотганларга ўқишда имтиёз борми?

Элдор ДўСТОВ. Наманган вилояти:

— Мен боқувчисини йўқотганман ва ҳозирда бобомнинг васийлигида яшайман. Олий таълим муассасасига кириш жараёнида мен учун қандайдир имтиёзлар белгиланганми?

Ботир ҲАЙДАРОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Президентимизнинг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларига қабул жараёнида айрим тоифадаги абитуриентлар учун қўшимча давлат гранти квоталари ажратилиши белгиланган.



Агар сиз боқувчингизни йўқотган бўлиб, бобонгизнинг васийлигига олинган бўлсангиз, ушбу қарор талабларига кўра, васийликка олинган етим болалар тоифасига кирасиз. Шу боис белгиланган ёш чегараси (25 ёшгача) доирасида сиз олий таълим муассасаларига киришда қўшимча 1 фоизга-ча давлат гранти квоталарида иштирок этиш ҳуқуқига эгасиз. Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун сиздан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: — васийликка олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— боқувчингизни йўқотганингизни тасдиқловчи ҳужжат.

Шунингдек, масала юзасидан туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузурдаги васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилиб, ҳуқуқий мақомингизни расмийлаштиришингиз ҳамда зарур маълумотномаларни олишингиз мумкин. Қўшимча квоталар бўйича тартиб ва рўйхатдан ўтиш жараёнлари юзасидан Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига мурожаат қилишингиз тавсия этилади.

Яна бир эътиборли жиҳат — “яшил” техникумларни Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетига бириктириш масаласи. Бу ҳамкорлик назарий билим билан амалиёт ўртасидаги узвийликни таъминлашда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Умуман олганда, мазкур қарор экологик муаммоларга қарши курашишда таълим ва илм-фани асосий таянч сифатида белгиланган беради. Шу боис бугун ҳаммамиз — раҳбар ҳам, устоз ҳам, оддий фуқаро ҳам — бу жараёнга бефарқ бўлмастимиз керак. Чунки гап фақат табиат ҳақида эмас, балки ўз келажакимиз ҳақида кетмоқда.



Қарши шаҳридаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйида тарбияланаётган 28 НАФАР БОЛА ОИЛА МУҲИТИГА ҚАЙТАРИЛДИ.



Нукус шаҳрида 350 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахс ўртасида ОММАВИЙ ИНКЛЮЗИВ ЮГУРИШ МАРАФОНИ ташкил этилди.



Халқаро даун синдромига эга инсонлар кунига бағишланган “ДУНЁ ҚУЁШ НИГОҲИДА” инклюзив форуми ўтказилди.

6

Mahalla №27

2026 йил
1 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

Маҳалла — инсонлар қалби туташган маскан. Бу ерда ҳар бир хонадон, ҳар бир инсон ўзига хос тақдир ва ҳикояга эга. Уларни тинглаш, одамларнинг оғирини енгил қилишни ўз олдига мақсад қилганлар эса жамиятнинг чинакам таъинчидир.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Инсон қалбига йўл топиш, бу — энг катта ютуқ



Олиб борилган изчил саъй-ҳаракатлар орқали чиндан муҳтож оилаларни аниқлади. Бунда тизимли ёндашув, адолатли баҳолаш ва инсонийлик тамойилларига таянган ҳолда иш олиб борилди. Натижада бугунга келиб, кам таъминланган оилалар сони 47 тага тушди. Бу ўз ҳаётини аста-секин изга солаётган ўнлаб оилалар демек.

Маҳаллани уйма-уй айланар эканман, катталарни опамдек, кичикларни ўз укам ва синглимдек кўраман. Улар билан дилдан суҳбатлашаман. Кимдир соғлиги билан боғлиқ муаммо кийнаса, кимдир иш топиш ташвишида, яна бир фарзандининг келажаги ҳақида қайғуради. Ҳар бирининг дарди — мен учун муҳим. Аввало, уларни тинглайман, сўнг биргаликда ечим излаймиз. Энг муҳими, аҳоли вакиллариининг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Зеро, инсон қалбига йўл топиш, бу — энг катта ютуқ. Дилдан берилган кўмак эса ҳар қандай ёрдамдан устун туради. Бугун ортга назар ташлар эканман, босиб ўтилган йўл, эшиклар ортидаги тақдирлар, инсонларнинг миннатдор нигоҳи менга куч бағишлайди. Шу шижоат билан яна кўплаб фуқароларнинг ҳаётига илинжи олиб киришимга ишонаман.



Зарина УСМОНОВА, Жондор туманидаги “Нурафшон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Ижтимоий ходим сифатида фаолият бошлаган илк кунларимда маҳалламиздаги вазият мени бефарқ қолдирмади. Болалар нафақаси олаётган оилалар сони 200 тадан ошди. Бу оддий рақам эмас, балки ортида қанчадан-қанча муҳтож кишилар кечмиши борлигини ич-ичимдан ҳис қилдим. Шунда муаммони масофадан туриб ҳал қилиб бўлмаслигини, уни юракдан ҳис қилиш, одамларга янада яқинлашиш кераклигини тушундим.

Шу мақсадда хонадонларга кириб, аҳоли билан юзма-юз суҳбатлашдим. Уларнинг ҳаёти, ташвишлари, орзу-интилишларига ошно тутиндим. Баъзиларига моддий ёрдам зарур бўлса, бошқаларига эътибор, маслаҳат ва далда етишмасди. Суҳбат жараёни янги ҳулосалар чиқаришимга, зиммамдаги масъулиятни кучлироқ ҳис қилишимга ёрдам берарди.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

“VOICEUP — 2026”: ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ БИРЛАШГАН МАЙДОН

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда инклюзив муҳитни кенгайтиришга қаратилган “VoiceUp — 2026” инклюзив ёшлар оромгоҳининг Тошкент вилояти босқичи юқори даражада ташкил этилди.



Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Икки кун давом этган оромгоҳ Паркент туманининг “Қумушқон” маҳалласида бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш, уларни фаол фуқаролик позициясига ундаш ҳамда ўзаро ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Дастур доирасида иштирокчилар креатив лойиҳалар тақдимотини ўтказди, долзарб ташаббус ва фикрларни муҳокама қилди. Шунингдек, интеллектуал ва жамоавий ўйинлар, ривожлантирувчи машғулотлар, семинар-тренинглар ташкил этилиб, ёшлар ўртасида дўстона мулоқот муҳитини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Табиат қўйнида ташкил этилган суҳбатлар эса иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди. Оромгоҳ иштирокчилари ушбу лойиҳа орқали нафақат янги билим ва кўникмаларни эгаллаш, балки ўз ижтимоий ташаббусларини илгартириш имкониятига эга бўлди.

— Мен Чирчиқ шаҳридан келиб иштирок этдим, — дейди **Сабина Баходирова**. — Ушбу ёшлар оромгоҳи бизга жуда манзур бўлди. Бу ерда янги дўстлар орттирдик, ўз тақлиф ва ташаббусларимизни амалга ошириш учун яхши имконият яратилди.

“VoiceUp — 2026” ёшлар оромгоҳи йигит-қизларнинг фикрини тинглаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятда фаол иштирокини таъминлашга муҳим платформа сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Оғир ҳаётини вазиятдаги аҳолини аниқлаш ва уларга манзилли ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қатор хизматларни рақамлаштиришда “Инсон” марказларининг аҳамияти беқимёс.



Кейс-менежмент усули кўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, улар эҳтиёжларининг яхлит кўринишини ва бошқа хизматлар билан боғлиқлигини таъминлаётди. Аёллар, болалар ва оилалар дуч келган турли муаммоларни ҳал этиш учун ижтимоий ёрдамлар кўрсатишмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар турли усулларда қўллаб-қувватланмоқда.

Шайхонтоҳур тумани “Янги Камолон” маҳалласи ижтимоий ходими Ирода Исомиддинова ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. У ўндан ортиқ кейслар очиб, ҳар бир муҳтож оила ва фуқарога индивидуал ёндашув асосида манзилли хизмат кўрсатмоқда. Бу эса аҳолининг турмуш даражасини ошириш, бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий ходим ўрганиш жараёнида маҳаллада яшовчи Феруза Раҳимжонованин кўмакка муҳтожлигини аниқлади. Шунингдек, унинг фарзанди таълим жараёнига жалб этилмагани сабабли онанин бандлиги таъминланмагани маълум бўлди.

Оиланин боқувчиси мавжуд эмаслиги инobatта олиниб, маҳалла ҳудудидан Феруза опага алоҳида жой ажратиб берилди. Шу билан бирга, унга давлат субсидия асосида тикув машинаси тақдим этилди.

Бугунги кунда Феруза опа тикувчилик фаолияти билан шуғулланиб, мустақил равишда даромад топомоқда. Унинг ҳаётидаги ушбу ижобий ўзгаришлар ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалий самараси сифатида намоён бўлмоқда.

Гарчи шу кунга қадар барча йўналишлар бўйича қатор ўзгаришлар олиб борилган бўлишига қарамай, ҳали олдинда қилиниши керак бўлган вазифалар талайгина. Хусусан, жорий йилда болалар ва оилалар билан ижтимоий иш янада кучайтириш режалаштирилган. Қолаверса, зўравонлик ҳолатларига учраган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш мақсад қилинган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва бандлигини таъминлаш масаласига аввалгидан кўпроқ эътибор қаратиш орқали жамият ҳаётидаги фаол фуқаролар иштирокини кенгайтириш асосий вазифалардан биридир. Шунингдек, оғир ҳаётини вазиятдаги шахслар билан манзилли ишлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМЖОНОВА тайёрлади.

Сўнги йилларда ижтимоий сугурта масаласи долзарб аҳамият касб этаётгани сир эмас. Айни йўналиш бўйича аҳоли хабардорлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Қилинган ва қилиниши режалаштирилган барча ишлар фақатгина халқ фаровонлиги ҳамда юрт ободлигини таъминлашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Ижтимоий хизматлар имкониятлар оламига етаклайди



Ўрганиш натижаларига кўра, мазкур оила Ижтимоий реестрга киритилиб, фарзанди имтиёзли асосда “Имкониятлар олами” номли кўп тармоқли марказга жойлаштирилди. Бу эса боланин таълим олиши билан бирга, онанин ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланишига имконият яратди.

БИЗ СЕН БИЛАН БОЛАЖОН...

Тўрақўрғон туманида кичик ҳажмли болалар уйи фойдаланишга топширилди. Бу эзгу маскан кўшалок байрамлар арафасида чинакам қувончли тўхта бўлди.

Меҳр тафти билан ҳаёт янада тотли

Зулайхо ЗАЙНИДДИНОВА, журналист.

Наманган вилоятида илк фаолиятини бошлаган мазкур масканда етим ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, ногиронлиги бўлган ўғил-қизлар оила муҳитида тарбия топишади. Энг муҳими, улар бу масканда ҳақиқий оилавий меҳрни ҳис қилади, миллий қадриятларимиз руҳида улғаяди.



Кичик ҳажмли болалар уйида болалар сони кўпи билан 9-10 нафарни ташкил этади. Кун давомида тарбиячилар улар билан бирга бўлиб, ҳар бир болани индивидуал ёндашув асосида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатади. Бу эса болаларнинг ўзини эркин ҳис қилиши, меҳрга тўйинган муҳитда вояга етиши ва мустақам ҳаётини қадриятлар асосида камол топишига хизмат қилади.

Бундай эзгу ташаббуслар — жамиятимизда инсон қадрини, меҳр-оқибат ва болалар келажагига бўлган юксак эътиборнинг яққол ифодасидир.



2026-2030 йилларда атмосфера ҳавоси сифатини яхшилашга қаратилган “ТОЗА ҲАВО” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ амалга оширилади.



Иссиқхоналарда ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ВА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ манбаларига асосланган иситиш тизимлари улуши камида 50 фоизга етказилади.



Марказий банкда 5 нафар бўзодан иборат аъдан **МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ИСЛОМИЙ МОЛИЯ КЕНГАШИ** ташкил этилади.

2026 йил
1 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №27

7


“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

ТАРТИБ

Солиқ тўлаш фақат мажбурият эмас, аввало, фуқаролик бурч демакдир

Бугун солиқ тизимида бўлаётган ўзгаришлар оддий рақамлар ортида эмас, балки одамлар ҳаётида яққол сезилмоқда. Хусусан, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан тушган маблағларнинг 10 фоизи бевосита маҳалла ихтиёрида қолдирилади, бу — катта ислохот. Бу орқали аҳоли ўзи яшаётган ҳудудга янада масъулият билан қарай бошлади.



Аввалига у солиқ идорасига келишдан ҳам чўчирди. “Барибир жарима қўшилади, яна қийналаман”, деб ўйлаган. Лекин биз уни суҳбатга чақирдик. Ҳолатини ўрганиб, мавжуд қонунчилик доирасида унга қўлайлик яратишга ҳаракат қилдик — қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тушунтирдик, муддат бердик. Энг муҳими, унга бир нарсани оддий тилда аниқлади: тўлаётган солиғи фақат давлатга эмас, ўз маҳалласига қайтади.



Орадан бир оз вақт ўтиб, Одил ака ўзи келиб, қарзини босқичма-босқич ёпишни бошлади. Бугун эса у нафақат ўз мажбуриятини бажариб келмоқда, балки қўшниларига ҳам солиқни ўз вақтида тўлашни тавсия қилмоқда. Албатта, бугун кўплаб фуқаролар 15 апрель муддатини кутиб утирмасдан, солиқларни олдиндан тўлашмоқда. “Солиқ тўла — келажакка ҳисса қўш!” деган ширин шунчаки чақирик бўлиб қолмапти, амалда ўз тасдиғини топмоқда. Тумандаги “Дўстлик”, “Тайқир” маҳаллалари бунга яққол мисол. Ҳатто жорий йилнинг шу даврига келиб, ярим йиллик солиқ тўшумлари ўтган йилга нисбатан 97 фоизга бажарилиди.

Лекин очигини айтиш керак, ҳали ҳам муаммолар йўқ эмас. Айрим фуқаролар солиқни фақат мажбурият сифатида кўради, унинг ортида қандай имкониятлар борлигини англаб етмайди. Баъзилар эса охириги кунгача кутиб, ўзига ҳам, тизимга ҳам ортиқча юклама яратеди.

Бугун шу маблағлар ҳисобидан йўллар таъмирланмоқда, кўчалар обод бўляпти, болалар учун спорт майдончалари ва кутубхоналар барпо этилмоқда, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатилляпти. Шундай экан, унутмаслигимиз керак: тўланган ҳар бир сўм солиқ — ўзимиз яшаётган ҳудудга қайтадиган инвестициядир.

Бобур АШУРОВ,
Қорақўл туманидаги “Дўстлик”,
“Тайқир” ва “Тинчлик”
маҳаллалари солиқ инспектори.


Мен солиқ инспектори сифатида ҳар куни турли инсонлар билан мулоқот қиламан. Ҳар бирининг ўз ҳикояси, ўз ташвиши бор. Яқинда шундай вазиятлардан бирига дуч келдим. Маҳалламизда яшовчи Одил ака бир неча йилдан бери мол-мулк солиғини ўз вақтида тўлай олмасдан келаётган эди. Сабаби оддий: оиласида боқувчи ўзи, фарзандлари кичик, устига-устак соғлиғида муаммо бор. Натияжада қарздорлик йиғилиб қолган.



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

МУЛОҚОТ ОРҚАЛИ ИШОНЧГА: ХАТОЛАРНИ ЖАРИМАСИЗ ТЎҒИРЛАШ ИМКОНИЯТИ БОР

Солиқ тўлаш — ҳар бир фуқаронинг ва тадбиркорнинг асосий бурчи. Ҳеч ким бу масъулиятдан қочмаслиги керак. Шу мақсадда Хоразм вилояти, хусусан Урганч шаҳрида қатор сайёр текширувлар ва тушунтириш ишлари олиб борилди.



Шухрат САИДОВ,
Хоразм вилояти
солиқ бошқармаси бошлиғи.

Аниқланишича, айрим тадбиркорлар R-кеерг қурилмасини солиқ идоралари базасига интеграция қилмаган, онлайн нозорат-касса машинасига 5 716 000 сўм маблағ кириб қилинмаган, шунингдек, 3 нафар ходим қонуний тартибда ишламаган. Биз уларга солиқ маданиятини ошириш, шаффофликни таъминлаш зарурлигини яна бир бор эслатдик ва қонуний чоралар кўрдик.

Шу билан бирга, Марказий деҳқон бозорида ўтказилган тадбирлар доирасида бозорга кириш-чиқиш тартиби, тадбиркорларга яратилган шароитлар ва рақамли нозорат тизимлари ўрганилди. Мақсад — барча бозорлар фаолиятини “Ақли шаҳар” тизимига интеграция қилиб, савдо айланмасини тўлиқ шаффоф қилиш.



Солиқ тўлаш — мажбуриятимиз ва бир вақтда иқтисодий манфаатимиз. Шунинг эътиборида ҳолда, барча тадбиркорларни қонуний фаолият юритишга чақирамиз.

Дастлабки хатлов натижалари шуни кўрсатдики, 115 та савдо нуқтаси онлайн-касса ва тўлов терминалиси фаолият юритган, 280 та нуқтада QR-код мавжуд эмас, 505 та ҳолатда ижара шартномаси расмийлаштирилмаган, 366 нафар тадбиркор давлат рўйхатидан ўтмаган. Ушбу камчиликлар рақамли нозорат тизимлари орқали бартараф этилди.

Шуни очик айтиш керакки, солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик натижасида давлат учун ет-

казиладиган зарар жарималардан анча юқори бўлади. Шу сабабли биз барча тадбиркорларни қонуний ва шаффоф фаолият юритишга, солиқ маданиятини оширишга чақирамиз.

Хоразм вилоятидаги 29 та бозор ва савдо комплексида олиб борилаётган хатловлар яширин иқтисодиётга барҳам бериш борасидаги муҳим қадамдир. Биз бу жараёнда очкилик ва адолат таъминини сақлаймиз, тадбиркорлар билан доимий мулоқот қилиб, амалий ёрдам кўрсатамиз.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

БЎЛИБ ТЎЛАШДА ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

Нодир АҲРОРОВ,
Қашқадарё вилояти:
— Қорхонамиз маҳсулотларни юридик ва жисмоний шахсларга ҳар ойлик бўлиб тўлаш шартини сотади. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда реализация қиймати товарнинг умумий сотув қийматидан олинганими ёки фақат ҳар ой келиб тушадиган тўлов суммасидан аниқланадими?

Сирожиiddин ЭШМАТОВ,
Қашқадарё вилояти солиқ
бошқармаси бошлиғи:

— Солиқ кодексининг 239-моддасига кўра, товарларга булган мулк

ҳуқуқининг пуллик асосда, шу жумладан, бўлиб тўлаш шартлари асосида ўтказилиши товарларни реализация қилиш бўйича айланма сифатида эътироф этилади. Шунингдек, Кодекснинг 242-моддасига асосан,

товарларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган сана сифатида ҳисобварақ-фактура тақдим этилган сана ёки товарлар амалда жўнатилган сана қабул қилинади (қайси бири олдин юз берса).

РАҚАМЛИ МАРКИРОВКА: ТАРТИБ, ШАФФОФЛИК ВА АДОЛАТ САРИ ҚАДАМ

Сўнгги вақтларда оммавий ахборот воситаларида рақамли маркировка тизими ва уни қўллаш қоидаларини бузганлик учун санкциялар юзасидан танқидий фикрлар билдирилмоқда. Кўпчилик бу тизим тадбиркорларга қийинчилик туғдирмайдими, деб ўйляпти. Ҳўш, аслида, тизим қандай ишлайди?



Айтиш керакки, бу тизим тартиб ўрнатиш ва ҳалол ишлаётганларга янада қўлай шароит яратиш мақсадида жорий қилинмоқда. Юртимизда рақамли маркировка жорий этиш босқичма-босқич йўлга қўйилляпти. Ишлаб чиқарувчи маҳсулотига код қўяди, улгуржи сотувчи уни тизимда қайд этади, чакана сотувчи эса сотаётганда кодни сканер қилади. Шунда маҳсулотнинг ҳаракати бошидан охиригача кўриниб туради.

Кўпчилик ўйлаганидек, бу жуда мураккаб жараён эмас. Масалан, дўкonda маҳсулот сотаётганда 2D-сканер билан кодни ўқитсангиз бўлди, чек автоматик чиқади. Ҳатто давлат бу сканерларни олиш учун солиқдан енгиллик ҳам беряпти.

Яна бир муҳим нарса — нозорат масаласи. Кимдир шикоят қилса, дарров жарима солинмайди. Аввал оғоҳлантирилади, кейин текширилади. Фақат ҳақиқий қоидабузарлик аниқланса, шундан кейин чоралар кўрилади. Яъни тизим жазолаш учун эмас, тартиб ўрнатиш учун ишляпти.

Баъзида жарималар катта туюлиши мумкин. Лекин, аслида, солиқ тўламаслик оқибатида давлатга етадиган зарар ундан ҳам катта бўлади. Шунинг учун бу тизим ҳаммага бир хил, адолатли шароит яратишга хизмат қилади.

Бугунги кунда тизим тўлиқ ишлаши учун зарур инфратузилма яратилган. Солиқ тўловчилар шахсий кабинет орқали хатоларни кўриб чиқиш ва тузатиш имкониятига эга. Шу билан бирга, давлат ташкилотлари ҳам бизнес билан очик мулоқотда — айрим талаблар бўйича муддатлар узайтирилмоқда, амалий ёрдам кўрсатилляпти.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли маркировка тизими, бу — қисқа муддатли ноқулайликлар эвазига узоқ муддатли шаффофлик ва адолатни таъминлашга қаратилган ислохотдир. Унга мослашиш жараёни вақт талаб қилиши мумкин, аммо яқунда ҳам тадбиркорлар, ҳам истеъмолчилар учун фойдали бўлади.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

ҚҚСни ҳисоблашда солиқ базаси битим тарафлари томонидан белгиланган нархдан келиб чиққан ҳолда, яъни реализация қилинаётган товарларнинг умумий қиймати асосида аниқланади.

Қўридагилардан келиб чиқиб, товарларни бўлиб тўлаш шартини реализация қиймати ҳолатида ҚҚС ҳисоблашда реализация қиймати ҳар ойлик тушумдан эмас, балки товарнинг шартномада белгиланган умумий сотув қийматидан келиб чиқиб аниқланади. Шу билан бирга, ҚҚС бўйича мажбурият товар мулк ҳуқуқи харидорга ўтган (ёки ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган) вақтда юзага келади.



1 майдан ҳар оининг 10- ва 25-саналарида “АВТОМОБИЛСИЗ КУН” ва “АВТОМОБИЛСИЗ ҲАФТА” акциялари ўтказилади.



Ёнувчанлик даражаси юқори бўлган қурилиш материалларидан фойдаланиш бўйича АЙРИМ ЧЕКЛОВЛАР БЕЛГИЛАНДИ.



1 апрелдан Тошкент шаҳрида янги саннат зоналарини ташкил қилишга МУДДАТСИЗ МОРАТОРИЙ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ЖАЗОЛАШ ЭМАС, ТЎҒРИ ЙЎЛГА ЙЎНАЛТИРИШ МУҲИМРОҚ

Эрта тонгдан ишга келар эканман, доимо янги режалар билан кунни бошлайман. Ҳар бир режам замирида фуқаролар тинчлиги, оилалар фаровонлигини таъминлаш ётади. Битта оиланинг муаммосини ҳал этиш, қонуний кўмаклашиш орқали раҳмат эшитсам, барча захматлар унутилади, касбга бўлган меҳрим, қизиқишим янада ортади. Асосий шиорим — ҳуқуқбузар ёки жиноятга мойил шахсни жазолаш эмас, тўғри йўлга йўналтириш.



Жиноятчиликдан холи ҳудудга айланиш учун, аввало, “еттилик” бир бўлиб, муаммоларга ечим топдик. Ҳар бир хонадонга кириб, оилаларнинг муурожаатини жойида ҳал этияпмиз. Хизмат вазифамдан келиб чиқиб, фуқаролар билан самимий мулоқотга киришиб, дилга йўл топишга эришяпмиз.

Бугун билан кечаги кун фарқи таққослаш орқали ойдинлашади. Тизимда ишлаб келаётган инсон сифатида аввалги вазият билан бугунги шароитларни солиштирганда, жуда катта ўзгариш бўлганини таъкидлашни истардим. Чиндан ҳам, бугун ички ишлар ходимларига қулай шароит яратилган. Моддий-техник база мустаҳкамланган, ахборотлар рақамлаштирилган. Фуқаролар билан ишлашда қоғозбозликка чек қўйилган. Худудимизда 3 100 нафар аҳоли истиқомат қилса, ҳар бири ҳақида электрон маълумот шакллантирилган.



Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони камайишида профилактика тадбирлар яхши натижа берапти. Мисол учун, ички кўчаларга 19 та юздан таниб олувчи, кириш-чиқиш жойларига 20 та замонавий камера ўрнатдик. Қўриқлаш бўлимининг ташвиш тугмаси ишлаб турибди. Маҳаллада ёшлар 40 фоизни ташкил этади. “Еттилик” ҳамжихатликда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишини таъминлаяпмиз. Спорт билан шуғулланишига имконият яратиб берганмиз. Жараёнда хонадонма-хонадон юриб, қайси спорт турига қизиқишини урганяпмиз.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

БАҒРИКЕНГЛИК
ҲАЁТ ТАРЗИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРГАН ИМКОНИАТ

Инсон ҳаётда адашиши, хатога йўл қўйиши мумкин. Аммо унга берилган иккинчи имконият бутун бир оиланинг ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборади.

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими.

Шофиркон туманидаги Ситамзе қишлоғида яшовчи Бобуржон Ҳамроев бир пайтлар педагогика коллежида ёшларга сабоқ берган. Эл-юрт ҳурматидаги ўқитувчи эди. 5 нафар фарзанднинг отаси бўлган бу инсоннинг 2022 йил август ойида ноқонуний ишлари ошкор бўлди. Бунинг учун Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа тумани судининг ҳукми билан 7 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.



Қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган маҳкумларга давлатимиз яна бир имконият бериб келяпти. Президентимизнинг жорий йил 17 мартдаги Наврўз байрами ва Рамазон ҳайити арафасида жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни афв этиш тўғрисидаги фармони Бобуржон Ҳамроевнинг ҳаётида ҳам янги саҳифа очди. Унинг ўталмай қолган 4 йилдан ортиқ асосий жазоси кечирилиб, муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди, оиласи ва фарзандлари бағрига қайтарилди.

Кечирилми бўлиш ва бағрикенглик — ҳалқимизга хос фазилат. Хатосини чуқур англаб, ҳалол ҳаёт кечиришни мақсад қилган инсонлар энди жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўз оиласи фаровонлиги ва юрт тинчлигига муносиб ҳисса қўшади.

М аҳалла тизимидаги ўзгариш ва ислохотлар “еттилик” фаолиятини самарали бўлишида қўл келмоқда. Албатта, бунда ҳар биримизнинг алоҳида ўрнимиз бор. Айниқса, Президентимиз бошчилигида жорий йил 27 январь куни ўтказилган танқидий йиғилишдан кейин фаолиятимизни қайта кўриб чиқдик. Ўзимиз учун янги марралар олдик. Эътиборлиси, ўша йиғилишда профилактика инспекторлари хизмати самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, хизмат ходимлари учун катта имкониятлар яратилди, қўшимча ваколатлар берилди. Маҳалламиз 2025 йилгача “қизил” тоифада бўлган. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида қўрилган зарур чора-тадбирлар ҳамда “маҳалла еттилиги” савй-ҳарақати билан 2025 йилда бирорта жиноят содир этилмади. Бу жараёнда “хавфсиз ҳудуд”, “хавфсиз хонадон” тамойили асосида иш юритилаётгани, маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга ҳаракат қилинаётгани натижасини берди. Бизга пост-патруль хизмати ходимлари яқиндан ёрдам берапти.

“Акам бўласиз” ДЕСА ХАМ ИШОНИБ ЮРМАНГ!

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

Шўрчи туманида яшовчи, 2008 йилда туғилган Ўрмон Мамедов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2025 йил 26 сентябрь куни Тошкент шаҳрида таниши, қўшни маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳожиахрор Тойировни учратиб қолади.

Шаҳзод БАХТИЁРОВА, жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани суди раиси.

Улар биргаликда интернет орқали пул ишлаш мақсадида “телеграм” ижтимоий тармоғида “Муҳсин Ражабов” номи профилдан фойдаланган ҳолда “Акам бўласиз” номи гуруҳ очди.



Сўнг фуқароларга “Cobalt” автомашинаси ютиб олгани, боғлашни учун телефон рақам қолдириш лозимлиги ҳақида хабар юбора бошлайди. Деҳқонобод туманида яшовчи Суннат Абдусалимов ўйин фолиблари ҳақидаги видеоларни кўргач, қизиқиб қолади, телефон рақамини ёзиб жўнатади. Кўп ўтмай, Ўрмон билан Ҳожиахрор унга кўнгирок қилишади. Фоли бўлганини айтиб, қирқ дақиқа ичида 4,5 миллион сўм ташлаб беришни сўрашади. С.Абдусалимов уларнинг сўзига лаққа ишонади ва таниш-билишларидан қарз-хавола қилиб, айтилган суммани Ў.Мамедовнинг опаси номидаги пластик картага

юборади. Шу тариқа яна шартномани расмийлаштириш учун 5 698 420 сўм, автомашина рақами учун 1 565 500 сўм тушириб беради. Бироқ орадан бир-икки соат ўтиб, улар билан ёзишган профил ўчиб кетади. С.Абдусалимов бундан ажабланиб, кўнгирок қилади. Лекин фирибгарлар аллақачон унинг телефон рақамини “қора рўйхат”га киритиб қўйишганди. Эртаси куни С.Абдусалимов ҳудуд профилактика инспекторига вазиятни тушунтирган ҳолда ёрдам сўрайди. Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси киберхавфсизлик бўлими тезкор ходимлари бир ҳафтага қолмай, жиноятчиларни топади.

Тергов-суриштирув жараёнлари яқунлангач, мазкур иш судда кўриб чиқилди. Унча судланувчиларнинг яқинлари жабрланувчига етказилган зарарни қоплади. Шу боис суд икки судланувчига жарима жазоси тайинлади. Қолаверса, улар ўртасидаги мулоқот жараёнида фойдаланилган “Samsung Galaxy S+” телефон аппарати “жиноят қуроли”, деб топилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг 563-моддасига асосан, вояга етмаган Ў.Мамедов ва Ҳ.Тойировга жамоат тарбиячиси тайинлаш ҳамда танлаш масаласини ҳал қилиш Бола-лар масалалари бўйича Шўрчи тумани комиссияси зиммасига юклатилди. Шу ўринда, Шўрчи туманидаги мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ўрмон Мамедов ва ихтисослашган мактабнинг 2-босқичида тахсил олаётган Ҳожиахрор Тойировнинг дарсга қатнашмай, пойтахтга кетиб қолганини қандай тушуниш мумкин? Нега ота-оналар ва таълим муассасаларининг масъуллари бунга йўл қўйишди? Умид қиламизки, тилга олинган жиноят бошқа ота-оналар ҳамда вояга етмаган шахслар тарбиясига маъсул ходимларга сабоқ бўлади.